



## ИҚТИСОДИЁТДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВР ТАЛАБИДИР

**Халбеков Авазбек**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги  
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази,  
Барқарор ривожланиш маркази  
ORCID: 0009-0003-2673-7377  
[avazbek.khalbekov@mail.ru](mailto:avazbek.khalbekov@mail.ru)

**Аннотация.** Ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, униг бугунги ўзгариб бораётган иқтисодий тизимлар шароитига мос равишда иқтисодий сиёсат дастурларини белгилаш асосий вазифалар сирасига кириб бормоқда. Мақола жаҳоннинг бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларида таркибий ўзгаришларнинг барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишга таъсири, юқори технологияли хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал ўсиши, жумладан, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш, таркибий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодий ривожланиш тамойиллари ва имкониятларини белгилаш каби йўналишларга бағишланган.

**Калит сўзлар:** мамлакат иқтисодиёти, иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, барқарор ривожланиш, инфляция, инвестиция, беқарорлик, мутаносиб, барқарор ривожланиш стратегияси.

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА В ЭКОНОМИКЕ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ ВРЕМЕНИ

**Халбеков Авазбек**

Научно-исследовательский центр  
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»  
при Ташкентском государственном экономическом университете,  
Центр устойчивого развития

**Аннотация.** В настоящее время устойчивое развитие экономики страны, определение программ экономической политики в соответствии с условиями современных меняющихся экономических систем становится одной из главных задач. Статья посвящена влиянию структурных изменений на устойчивый экономический рост и развитие в странах мира с развитыми рыночными отношениями, быстрому росту высокотехнологичных секторов услуг, включая диверсификацию структуры национальной экономики, сокращение государственного вмешательства в экономику, обеспечение научного решения ряда социально-экономических проблем, связанных с реализацией инвестиционных проектов, повышение эффективности структурной политики, а также определение принципов и возможностей экономического развития.

**Ключевые слова:** экономика страны, экономический рост, валовой внутренний продукт, устойчивое развитие, кризис, инвестиции, нестабильность, пропорциональность, стратегия устойчивого развития.

## ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH IN THE ECONOMY IS A REQUIREMENT OF THE TIMES

**Khalbekov Avazbek**

*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems  
of the Development of the Economy of Uzbekistan"  
under Tashkent State University of Economics,  
Center for Sustainable Development*

**Abstract.** *Currently, the sustainable development of the country's economy, its determination of economic policy programs in accordance with the conditions of today's changing economic systems, is becoming one of the main tasks. The article is devoted to the impact of structural changes on sustainable economic growth and development in the world's countries with developed market relations, the rapid growth of high-tech service sectors, including the diversification of the structure of the national economy, reducing state intervention in the economy, ensuring scientific solutions to a number of socio-economic problems related to the implementation of investment projects, increasing the effectiveness of structural policy, and determining the principles and opportunities for economic development.*

**Keywords:** *country's economy, economic growth, gross domestic product, sustainable development, crisis, investment, instability, proportional, sustainable development strategy.*

### **Кириш.**

Ўзбекистонда мамлакатни барқарор ривожлантириш дастурини изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини ривожлантиришга, хорижий инвестициялардан мақсадли фойдаланиш бўйича дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишига жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, дунёдаги оғир вазият, жаҳон иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларидаги кутилмаган инқирозлар, геосиёсий беқарорликларнинг тобора ортиб боришига қарамадан, глобал иқтисодий ўсиш тенденциясининг ўсиши яъни 2026 йилда 3,3 фоизга, 2027 йилда эса 3,2 фоизга етиши прогноз қилинмоқда. Асосий салбий ҳолатлар янги технологияларга киритилган инвестициялардан кутилаётган натижаларни қайта баҳолаш ва геосиёсий кескинликнинг кучайиши билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Қатор экспертлар томонидан мамлакатларда нархлар ва молиявий барқарорликни сақлаш ва кутилмаган ташқи хавфларга қарши мутаносибликни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш зарурлигидан дарак бермоқда (Международный валютный фонд, 2026). Шунингдек, дунёдаги иқтисодий ресурсларнинг нотекис тақсимланиш ва улардан самарали фойдалана олмаслик мамлакатлар барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда муамоларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаш-тириш борасида «... нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак» (Мирзиёев, 2016). Бу ҳолат, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хом-ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириб бориш, шу мақсадларда бошқарув самарадорлигини оширишга имкон берувчи

институционал асосларни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Маълумки, айрим давлатларда иқтисодий ўсиш юқори, бошқаларда эса паст даражада ифодаланади. Мамлакат ва унинг ҳудудлари ривожланишида ушбу кўрсаткич вақт билан боғлиқ турли ҳолатларда намоён бўлади. Шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли иқтисодий ўсиш унинг омиллари ҳажми ва даражаси ўзгариши билан ҳам ўрганилади. Қисқа муддатли иқтисодий ўсишда меҳнат ва капитал омилларидан фойдаланиш даври ўзгариши назарда тутилса, узоқ муддатлида – ишлаб чиқаришдаги омиллар ҳажми ва технологияларнинг ўзгариши назарда тutilади. Қисқа муддатли даврда 1-3 йил инобатга олинади ва ташқи иқтисодий конъюнктура ҳамда макроиқтисодий сиёсат билан боғланади. Узоқ муддатли ўсиш 5-10 йиллик даврни ўз ичига олади ва унда таркибий ислохотлар натижалари ўзгариши мумкин (Идрисов, Синельников-Мурылов, 2013). Баъзи манбаларда, ЯИМнинг уч йил давомида ижобий ўсиши барқарор ўсиш сифатида талқин этилади (Мухаммедов, 2006). Бошқа бир манбаларда эса иқтисодий ўсиш эришган даражасига қараб қуйидаги турларга ажратилади: барқарор иқтисодий ўсиш (5% ва ундан юқори); юқори бўлмаган иқтисодий ўсиш (2-3%); секинлашган иқтисодий ўсиш (1-2%); беқарор иқтисодий ўсиш; мувозанатлашган иқтисодий ўсишлардир (Boskin, Lau, 2000).

Янги Ўзбекистон моделига ўтгандан бери мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ўз динамикасини сақлаб қолди ва мамлакат бу кўрсаткич бўйича таъкидлаш ўринлики минтақада етакчи бўлиб, унинг сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Ишлаб чиқариш секторини кенгайтириш бўйича олиб борилган ислохотларнинг бошланиши янги қадам бўлиб, унинг улуши учдан бир қисмдан кўпроққа ошди. Янги Ўзбекистоннинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари кам бўлсада, минтақавий sanoat кучи сифатида пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Замонавий бозор ислохотлари тез суръатлар ичида хусусий инвесторларни, жумладан, ташқи молиялаштириш ва капитал қўйилмаларнинг улуши республика ялпи ички маҳсулотининг қарийиб 30 фоизидан ошди (Томан, Pezzey, 2019).

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамлигини таъминлашга ҳамда хусусий, шу жумладан хорижий инвестициялар учун Республиканинг инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, Ўзбекистоннинг етакчи банклари ва йирик корхоналари томонидан корпоратив рейтингларни олиш ҳамда давлат кафолатисиз хорижий инвестиция ва қарзларни жалб қилиш бўйича Республиканинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтира-диган мамлакатнинг суверен кредит рейтингини олиш зарурлигини кўрсатди.

### Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олимлардан Томан ва Пеззейлар (2019) барқарор ривожланишнинг биринчи мақсадига нисбатан шундай фикр юритишади, яъни одамлар ёки уй хўжаликлари ўзларининг фаровонликларини максимал даражада оширишга ҳаракат қилишади, аммо бу вақтинчалик фаровонлик ёки фойда олиш вақтининг йиғиндиси бўлиши мумкинлиги ҳамда одамлар ҳар лаҳзада турли хил истеъмол турларидан, шу жумладан сотиладиган ва сотилмайдиган товар(иш ва хизмат)лардан фойдаланиб ўз эҳтиёжларини қондиришлари мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳаларни барқарор ривожланишга боғлаганлар.

Муаллифлар Ши, Ҳан ва бошқалар (2019) илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш орқали ҳудудларни барқарор ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳолати ва тенденцияларини амалга оширганлар. Шунингдек, улар мазкур йўналишларда минтақа барқарор ривожланишига кичик ва ўрта корхоналарни барқарор ривожлантиришни бошқариш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор туризм ва барқарорликни

баҳолаш жараёнларига эътиборни қаратдилар.

Хориж иқтисодчи олимларидан Симон Дрезнер (2008) минтақаларнинг барқарор ривожланишини фанлараро соҳаси учун қулай ва кенг қамровли маълумотларга асосланганганини ҳамда уни чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, барқарор ривожланиш фақатгина иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки бошқа кўрсаткичларга ҳам боғлиқлигини тадқиқот ишида белгилаб беради.

Иқтисодиётнинг ўсиш ҳамда ривожланиш суръатлари ўртасидаги боғлиқликни Шумпетер (1971), миллий иқтисодиётнинг тараққиётини рағбатлантиришда давлат томонидан олиб бориладиган сиёсат муаммосини Ф.Лист кўриб чиққанлар. Институционал иқтисодчилар Шумпетернинг (1971) илмий асарларида, иқтисодий ўсишда технологик омилнинг муҳим ролини қайд этиб, технологиялар ва жамиятнинг иқтисодий ривожланишининг табиатидаги узвийликни тавсифландилар.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Бустонов (2024) рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ўсиш омилларининг таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш каби масалаларини ўрганиб чиққан. Шунингдек маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Маманазаров (2023) барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ролини кучайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликнинг мустақкамлигини таъминлашга ҳамда хусусий, шу жумладан хорижий инвестициялар учун Республиканинг инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, Ўзбекистоннинг етакчи банклари ва йирик корхоналари томонидан корпоратив рейтингларни олиш ҳамда давлат кафолатисиз хорижий инвестиция ва қарзларни жалб қилиш бўйича Республиканинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтира-диган мамлакатнинг суверен кредит рейтингини олиш зарурлигини кўрсатди.


Хорижий инвестицияларнинг тармоқ тузилмаси ҳам кескин ўзгарди, хом-ашё сектори устунлик қилишни тўхтатди, қайта ишлаш ва энергетика эса кўпроқ эътиборга сазовор бўлди. Қатъий анъанага кўра, мамлакат давлат молиясида ўзини-ўзи таъминлаш ва молиявий мувозанатлик тамойилига амал қилинган. Янги шароитларда солиқ ислохоти солиқ юкини камайтирилиши натижасида солиқ тўловчилар қамраб даражасини оширди. Шунингдек, хусусий бизнес учун қулай муҳит яратиш мақсадида фискал имтиёзлар қисман бекор қилинди. Ислохотларнинг натижасида давлат молиясининг ҳолати секин аста мувозанатлашиб бормоқда ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар жалб этилмоқда. Сўнгги йилларда ортиб бораётган бюджет тақчиллиги мамлакат давлат қарзининг ошишига олиб келди, лекин унинг кўрсаткичлари паст даражада сақланиб қолмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш, божхона тарифларининг кескин пасайиши, инвестицион товарлар, шу жумладан, импортни рағбатлантириш, ташқи савдода салбий сальдонинг янада кенгайишига олиб келди. Дунёда тўртинчи энг йирик олтин захиралари мамлакат экспорт даромадларининг тахминан 40 фоизини ташкил этмоқда.

2025 йилда Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ўсиш суръатлари Covidдан кейинги даврда энг яхши кўрсаткичга эришди. Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулоти бўлган олтиннинг юқори нархлари, пул ўтказмаларининг кўпайиши ва инфляциянинг секинлашиши фониди қисман бюджет маблағлари билан рағбатлантирилган ички талаб эди. Ташқи талабнинг ҳам муҳим ҳиссаси қайд этилди, экспорт даромади импортдан ошиб кетди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши барқарор бўлиб, 2000 йилдан

2020 йилгача йилига ўртача 6 фоиздан ортиқ даражада ўсишга эришилди. Ўзбекистон 2007-2009 йиллардаги глобал молиявий инқирозни деярли сезмади, ўсиш тахминан 9% ни ташкил этди. 2017 йилда иқтисодий либераллаштириш жараёнига ўтиш, инфляция босимининг кучайиши ва миллий валютанинг заифлашуви, иқтисодий ўсишнинг вақтинча 4,4 фоизгача пасайишига олиб келди. Лекин, 2019 йилда ЯИМ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоизга қадар тикланиши рўй берди ва 2020 йилги инқирозли йилда иқтисодий рецессиядан чиқиб, йиллик 1,6 фоиз ижобий ўсишни намоён этди<sup>1</sup>.



### 1-расм. Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда ЯИМнинг ўсиш тенденциялари, %

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси ва <https://www.imf.org/ru/publications/weo/issues/2026/01/19/world-economic-outlook-update-january-2026> маълумотлари асосланган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-расмда минтақавий жиҳатдан Ўзбекистон иқтисодий яхши ўсиш суръатларини кўрсатмоқда, яъни 7 фоизлик даражада ошган. Мазкур кўрсаткичлар Қирғизистон ва Грузиянинг кичикроқ иқтисодийларидан бироз орқада қолмоқда. Шунингдек, Озарбайжон ва Қозоғистон каби ресурсларга кўпроқ боғлиқ бўлган мамлакатлардан эса ўзиб кетган. Ўзбекистоннинг ЯИМ 2024 йилда 115 миллиард долларни, 2025 йилда эса 147 миллиард долларни ташкил этган бўлса, Грузияники 34 миллиард долларни, Қозоғистонники эса 291 миллиард долларни ташкил этган холос. Рейтинг халқаро бозорида кредитга лаёқатлиликни тан олиш элементи сифатида, мамлакатнинг инвесторлар учун жозибадорлигини оширишнинг бир қисми сифатида муҳим аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин<sup>2</sup>.


Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ нисбатан паст, 3000 доллардан сал кўпроқ. Бу қўшни давлатлар ва умуман минтақага нисбатан анча паст. Масалан, ХВЖ маълумотларига кўра, Марказий Осиё ва Кавказда аҳоли жон бошига ўртача ЯИМ тахминан 7000 долларни ташкил этади. Ҳиндистон ва Миср каби аҳоли зич жойлашган мамлакатларда Ўзбекистондагига тенг келадиган жон бошига ЯИМ даражаси кузатилмоқда.

Янги Ўзбекистон 2030 йилга келиб аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 5000 доллардан ошириш билан бирга, иқтисодий ҳажмини 200 миллиард долларга етказишга қаратилган стратегияни фаол равишда амалга оширмоқда. Иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори суръатлари ва иқтисодий ўзгаришларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани сабабли, ушбу мақсадларга эрта эришиш имкониятлари ортиб бормоқда. Ушбу улкан мақсадга эришиш учун хусусий

<sup>1</sup> <https://www.imf.org/ru/publications/weo/issues/2026/01/19/world-economic-outlook-update-january-2026>

<sup>2</sup> <https://www.imf.org/ru/publications/weo/issues/2026/01/19/world-economic-outlook-update-january-2026>

тадбиркорликни ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича жиддий саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Энг сўнгги мавжуд маълумотларга кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг юқори ЯИМ Навоий вилоятида 12 100 доллар ва Тошкент шаҳрида 9 300 доллар билан қайд этилган. Бошқа худудларда бу кўрсаткич 2100 доллардан 4600 долларгача.




**2-расм. 2024 йилда мамлакатлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, АҚШ доллари ҳисобида**

Барқарор иқтисодий ўсишга қарамай, Ўзбекистоннинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулоти ҳам унчалик таъсирли эмас. Буни иқтисодиётнинг узок вақтдан бери яққаланиб қолгани билан боғлиқ. Таъкидлаш ўринлики, 1994 йилдан бери аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ атиги саккиз баробарга ошган ва бу уни орқада қолган иқтисодиётлар қаторига қўйган. Ҳатто сўнгги 10 йил ичида, жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш йилларида ҳам вазият сезиларли даражада яхшиланмади. Бошқа томондан, Арманистон ва Грузия каби кичикроқ давлатлар энг тез ўсишни бошдан кечирдилар. Саноатда, хусусан, ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суъатлари, сўнгги 10 йил ичида ўртача қарийб 7 фоизлик ўсиш билан Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Кончилик секторининг роли сезиларли даражада камтарона бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3% ни ташкил этади, бу ерда ўсиш йилига ўртача 4 фоизга яқинлашди. Коммунал хизматлар энергетика, электр энергияси узатиш, газ ташиш, иссиқлик таъминоти ва бошқалар ўсиш тенденциясига эга бўлди. Ишлаб чиқаришда динамик ўсиш кенг қамровли бўлиб, деярли барча кичик тармоқларга таъсир кўрсатди.

Шуни таъкидлаш керакки, 2015 йилдан буён охириги ўн йилликда ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар 30 миллиард доллардан 2024 йилда деярли 60 миллиард долларгача ошган. Энг муҳими, энгил саноат ва машинасозликда ишлаб чиқаришнинг тез ўсиши диққатга сазовордир, нефтни қайта ишлаш, кимё ва металлургияда эса камтарона ўсиш қайд этилди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакат ички бозори чекланганлиги сабабли тайёр маҳсулотлар экспортига эътибор қаратмоқда. Шундай қилиб, товар экспорти таркибида қайта ишланган товарларнинг улуши, беқарор бўлсада, ортиб бормоқда ва 2024 йил охирига келиб тахминан 27 фоизга етди. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2025 йилда мамлакат саноатида юқори ўсиш суръатлари барқарор сақланиб қолган. Унга кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,1 квадриллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилга

нисбатан 6,8 фоизга ўсишни англатади.

Саноат ҳажмининг бундай ўсиш тенденцияси асосан ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашуви, инвестицион лойиҳалар, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий мақсадли дастурларнинг ўлароқ самарасидир. Бу, ўз навбатида ички бозор эҳтиёдини қондириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилган. Саноатнинг барқарор ўсиши иқтисодий ривожланиш, янги иш ўринлари яратиш ва республика иқтисодиётини диверсификациялашуви учун муҳим аҳамият касб этади.




### 3-расм. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон республикасида 2022-2025 йиллар давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мос равишда 5,4 фоиздан 7,2 фоизгача ўсган. Бундай тенденция қолган манба кўрсаткичлар салмоғининг ўсиши кузатилган бўлса айрим манба хусусан ичимликлар ишлаб чиқариш, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқаришда 2024 йилда ўтган йилга нисбатан 17,1 фоизга камайган. Металлургия саноат маҳсулотлари тузилмасида муҳим ўрин тутади ва мамлакат умумий маҳсулотининг қарийб 20 фоизини ташкил қилади. 2024 йилда экспорт қиймати 13,6 миллиард долларни, олтин ишлаб чиқариш ва экспорт қиймати 1,8 миллиард долларни ташкил этган мис саноати анча диққатга сазовордир. Озиқ-овқат, тўқимачилик ва автомобилсозлик саноати асосий саноат тармоқларидан бири бўлиб, уларнинг ҳар бири умумий саноат маҳсулотининг тахминан 10 фоизини ташкил қилади. Шунинг таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда энгил автомобиллар ишлаб чиқариш 2015 йилдан бери икки баравардан кўпроққа ошган. Бундан ташқари, автомобиль ишлаб чиқариш саноати ҳам мавжуд бўлиб, автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йилига 270000 донага етмоқда. Олтин, кумуш, мис ва ураннинг катта захираларига қарамай, мамлакатнинг кончилик сектори саноат маҳсулотининг атиги 8 фоизини ташкил қилади.

2024 йилда асосий капиталга инвестициялар янги рекорд ўрнатди ва 40 миллиард долларга етди. Бу ўсиш 2020 йилдан бери кузатилмоқда, ўшанда у атиги 21 миллиард доллар эди. Шунинг таъкидлаш керакки, ислохотлардан олдин ҳам мамлакат ҳукумати корхоналарни модернизация қилиш ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилинган эди. Унинг қўлам ҳажми камтарона бўлсада, баъзи лойиҳалар хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилди. Бу, айниқса, нефт-кимё, машинасозлик, энгил саноат, электроника ва фармацевтика каби соҳалардир. Ислохотлар бошланганидан бери иқтисодиётда капитал қўйилмаларнинг улуши ўсиш тенденцияси кузатилиб, 2020 йилда ЯИМнинг 30 фоизига етган бўлса, сўнгги беш йил ичида ЯИМнинг тахминан учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Таққослаш учун, Қозоғистонда шу давр мобайнида мамлакат ЯИМда инвестициялар салмоғи мос равишда 18 фоиздан ва 14 фоизни ташкил этди. Бюджет тизимидан инвестицияларнинг улуши доимий равишда паст бўлиб, 10 фоиздан ошмаган, унинг улуши эса ўтган йил охирида 70 фоиздан ортиқни ташкил этган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Ислохотлардан олдинги даврда бу кўрсаткич ўртача 23 фоиздан ошмаган. Шундай қилиб, қисқа муддат ичида, ҳатто инвестиция рейтингсиз,

мамлакат хорижий инвестициялар орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга муваффақ бўлди. Инвестицияларни жалб қилиш сиёсатининг муҳим муваффақияти унинг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилганлигидир. Ички таъминот занжирларини ривожлантиришга ва натижада қўшимча қийматни максимал даражада оширишга қаратилганлиги бўлди. 2025 йилда инвестиция ҳажми ўтган йилга нисбатан 17 фоизга ўсиб, қарийб 47 миллиард долларни ташкил этди, бу 2024 йилдагига нисбатан қарийб учдан бир қисмга ошганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, республикада инвестиция фаолияти миқёси жиҳатидан муҳим ва тезлаштирилган иқтисодий тикланишнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.



**4-расм. Ўзбекистонда 2020-2025 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш тенденцияси**

Сўнгги йилларда Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар сезиларли даражада ошди ва ўсиш суръатини кўрсатмоқда. Илгари ўртача йиллик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми атиги 1 миллиард доллардан ошган бўлса, бозор ислохотларининг бошланиши билан хорижий инвестициялар оқими барқарор равишда ўсиб, 2024 йилда 3 миллиард долларга яқинлашган. Сўнгги беш йил ичида ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, улар ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2024 йилда энг юқори ўсиш суръати – 131,3 % кузатилган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 110,5 %ни ташкил этди. 2025 йилда марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган ҳажм 62,6 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 13,6 %га ошди. Уларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши эса 10,6 %га етди.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, “Янги Ўзбекистон” шароитида ҳудудлар иқтисодий барқарорлигини таъминлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Бринчидан, республикада ҳудудлар иқтисодий барқарорлиги миллий иқтисодий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида эътибор берилиши керак. Шундай экан, ҳудудлар барқарорлиги фақат маҳаллий ривожланиш воситаси эмас, балки мамлакат барқарор иқтисодий ўсишига ҳамда инвестицион жозибadorлигини таъминловчи стратегик омиллардан бўлиши керак.

Иккинчидан, ҳудудлар ўртасидаги тафовутларни қисқартириш мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиш-ларидан бўлиши лозим. Бу бевосита ҳудудлар ўртасидаги ресурс, инфратузилма, саноатлашув ва инвестицион имкониятларни бир хил эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун барча ҳудудларга бир хил ёндашув эмас, балки ҳар бир мнताқанинг иқтисодий салоҳияти, меҳнат ресурслари, табиий ресурслари ва бозорга чиқиш имкониятларидан келиб чиқадиган табақалаштирилган сиёсат олиб борилиши зарур.

Тўртинчидан, ҳудудий иқтисодий барқарорликнинг асосий шarti бу маҳаллий бошқарув ва молиявий мустақилликни янада кучайтиришдир. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва аҳолининг тадбиркорлик ихтисослашувидан келиб чиқиб қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш вазифалари белгиланган. Бу шуни кўрсатадики, ҳудуд иқтисодиётини марказдан туриб умумий режалаштириш етарли эмас; туман, шаҳар ва маҳалла даражасида мустақил ташаббус, маҳаллий бюджет масъулияти ва натижага йўналтирилган бошқарув кучайтирилиши лозим.

### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

Astanakulov O., Asatullayev X. (2018) *Analysis of investments and directions of investment activation in Uzbekistan. Vol. 8 Issue 6, June, ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119 Journal Homepage: <http://www.ijmra.us>.*

Boskin M., Lau L. (2000) *Generalized Solow-Neutral Technical Progress and Postwar Economic Growth // NBER Working Paper. № W8023.*

Boskin M., Lau L. (1992) *Capital, Technology and Economic Growth // Technology and the Wealth of Nations. – Stanford. – P. 33.*

Dresner S. (2008) *The Principles of Sustainability. -200 p.*

Dresner. S. (2008) *The four-capital method of sustainable development evaluation. March. European Environment 18(2):63 – 80 p.*

Shi L., Han L., Yang F., Gao L. (2019) *The Evolution of Sustainable Development Theory: Types, Goals, and Research Prospects // Sustainability, no. 11.; 16. Klarin T. The concept of sustainable development: From its beginning to the contemporary issues // Zagreb International Review of Economics & Business, 2018, vol. 21, no. 1, pp. 67-94.*

Toman M., Pezzey J. (2019) *“Sustainability and its economic interpretations”, in R. David Simpson, Michael A. Toman and Robert U. Ayres (ed.), Scarcity and Growth Revisited, Resources for the Future Press, Washington, DC, USA, pp. 121-141.*

Астанакулов О., Асадуллаев Х. (2022) *Ўзбекистонда инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигига таъсири таҳлили. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali, 6/2022, noyabr dekabr (№ 00062).*

Бустонов М.М. (2024) *Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ўсиш омилларининг таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш. 08.00.02 – «макроиқтисодиёт» иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.*

Идрисов Г., Синельников-Муролов С. (2013) *Бюджетная политика и экономический рост. –М.: 8. -С. 35-59.*

Маманазаров М.М. (2023) *Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш 08.00.01 – иқтисодиёт назарияси иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати.*

Международный валютный фонд. (2026) *Мировая экономика устойчива на фоне разнонаправленных факторов* Январь. <https://www.imf.org/ru/publications/weo/issues/2026/01/19/world-economic-outlook-update-january-2026>.

Мирзиёев Ш.М. (2016) Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 декабрь, № 247 (6682).

Мухаммедов Ю. (2006) Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. док. дисс: – Т.: ТДИУ, -23-б.

Фармон (2023) <https://lex.uz/ru/docs/6600413> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.

Шумпетер Й. (1971) Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982.; Rostow W. *Politics and the Stages of Growth*.